



СУТ 59.060.10

О'z DSt 593:2008 Пахта. Пахта толасининг тавсифномаларини аниқлаш усуллари 1-сонли ўзгартириш

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 23.08.2013 05-479 сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 30.08.2013

Стандартнинг амал қилиш муддати 2018-09-20 гача узайтирилсин.



O'z DSt 593:2008 1-сонли ўзгартириш

"PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"
ОАЖ бош директори



Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.



Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
муздри, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.



А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим



Л. А. Джунаева

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Сўз боши

1 Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаштириш "Сифат" маркази ва "РАХТА TOZALASH ICHIB" очик акциядорлик жамияти ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

2 Стандартлаштириш бўйича "Пахта" Техник кўмитаси томонидан ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2008-09-10 №05-113 сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

4 O'z DSt 593:1992 ўрнига ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгаришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичида чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳукуқи
"Ўзстандарт" агентлигига тегишли

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ПАХТА

Пахта толасининг тавсифномаларини
аниқлаш усуллари

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Мундарижа

1 Қўлланиш доираси.....	1
2 Меъёрий ҳаволалар.....	2
3 Атамалар ва таърифлар.....	2
4 Ўлчаш усуллари.....	2
5 Ўлчаш воситалари, ёрдамчи қурилмалар.....	3
6 Ўлчашни ўтказишга тайёрланиш тартиби.....	4
7 Ўлчашни ўтказиш тартиби.....	6
8 Ўлчаш натижаларига ишлов бериш.....	7
9 Рухсат этиладиган ўлчаш хатолиги.....	8

O'ZSTANDART AGENTLIGI
 STANDARTLASHTIRISH,
 MUVOFIQLASHTIRISH
 VA DAVLAT NAZORATI
 BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ПАХТА

Пахта толасининг тавсифномаларини аниқлаш усуллари

ХЛОПОК-СЫРЕЦ

Методы определения характеристик хлопкового волокна

Seed cotton

Methods for determination of characteristics of cotton fibre

Жорий этиш санаси 2008 - 09 - 20

Амал қилиш муддати 2013 - 09 - 20


1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт пахта тайёрлаш пунктига келадиган пахтага жорий қилинади ва пахта толасининг қуйидаги тавсифномаларини тезкорлик билан аниқлаш усуллари белгилайди:

- ранги ва ташқи кўринишини;
- солиштира узилиш кучини;
- пишиб етилганлик коэффициентини;
- чизикли зичлигини;
- микронейр кўрсаткичини.

Стандарт талаблари мажбурийдир.

Расмий нашр



2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга қилинган ҳаволалардан фойдаланилди:

ГОСТ 24104-2001 Весы лабораторные. Общие технические требования

O'z DSt 581:2002 Пахтани қайта ишлаш. Атамалар ва таърифлар

O'z DSt 615:2008 Пахта. Техникавий шартлар

O'z DSt 619:1994 Пахта толаси. Солиштирма узилиш кучини аниқлаш усуллари

O'z DSt 620:1994 Пахта толаси. Чизиқли зичлик ва микронеёр кўрсаткичини аниқлаш усуллари

O'z DSt 629:1995 Пахта толаси. Ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш усуллари

O'z DSt 642:1995 Уруғлик пахта. Техникавий шартлар

O'z DSt 643:2006 Пахта. Намуна танлаб олиш усуллари

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичлари ҳамда жорий йилда чоп этилган ахборотли кўрсаткичлари бўйича ҳавола қилинаётган стандартларни (ва классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши текширилиши керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, унга ҳавола қилинган қоида ушбу ҳаволага дахлдор бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда атамалар O'z DSt 581 га мувофиқ қўлланилган.

4 Ўлчаш усуллари

4.1 Пахтанинг ранги ва ташқи кўриниши бирлаштирилган намунани пахтанинг ташқи кўриниш намуналари билан органолептик

солиштириб аниқланади.

4.2 Пахта толасининг солиштира узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффиценти, чизикли зичлиги ва микронеёр кўрсаткичини аниқлаш бу кўрсаткичларнинг маълум массаси пахта ёки тола намуналарининг ҳаво ўтказувчанликка (ЛПС-4 ва АСХ-1) ёки товуш тўлқинларининг сўнишига (АЛС-1) боғлиқлиги асосланган усуллар ёрдамида амалга оширилади.

4.3 Ўз-ўзидан қизиган пахта толасининг солиштира узилиш кучини ЛПС-4, АСХ-1 ва АЛС-1 да ўлчашга йўл қўйилмайди.

Бундай пахтанинг солиштира узилиш кучи динамометрда O'z DSt 619 бўйича аниқланади.

4.4 Келишмовчилик келиб чиққан ҳолда, пахта тайёрлаш пункти лабораторияси пахтанинг навини, пахта топширувчи вакили иштирокида қайтадан танланган бирлаштирилган намуна орқали пахтанинг ранги бўйича ва асбоблар ёрдамида пишиб етилганлик коэффиценти бўйича аниқлайди.

5 Ўлчаш воситалари, ёрдамчи қурилмалар

5.1 Пахтадаги пахта толасининг ранги ва ташқи кўринишини аниқлашда маълум тартибда тасдиқланган пахтанинг ташқи кўриниш намуналари ишлатилади. Пахтанинг ташқи кўриниш намуналари пахтанинг муайян бир нави ва синфига хос бўлган ранг, доғлар мавжудлиги, тузилиши ҳамда ифлослик жиҳатлари бўйича сифат таърифлари мажмуини ифодаловчи намуналардир. Ушбу намуналар пахта ва пахта маҳсулотлари стандарт намуналари бўйича базавий ташкилотда тайёрланиб, "O'zpxatasanoot" уюшмаси тасдиқлаган идоралараро комиссия томонидан қабул қилинади. Пахтанинг ташқи кўриниш намуналари ғўзанинг селекция навлари ва етиштириш ҳудудлари бўйича тайёрланади.

5.2 Пахтадаги пахта толасининг солиштира узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффиценти, чизикли зичлиги ва микронеёр кўрсаткичини аниқлаш учун қуйидагилар ишлатилади:

- ЛПС-4 пахтанинг навини аниқлаш учун қурилма, кейинчалик ЛПС-4, ёки АСХ-1 толали материаллар намунасидаги босим фарқини ўлчаш учун асбоб, кейинчалик АСХ-1, ёки АЛС-1 пахта ва пахта толаси намуналаридаги толалар узилиш кучини ўлчаш учун акустик

лаборатория асбоби, кейинчалик АЛС-1;

- СХЛ-3 маркали лаборатория куриткичи, ёки УСС-1 маркали тезкор куритиш қурилмаси;

- ЛКМ ёки ЛКМ-2 маркали пахтани ифлос аралашмалардан тозалайдиган қурилма;

- ППВ маркали жин-толатозалагич ёки ДЛ-10 маркали лаборатория жини пахта анализатори билан биргаликда (пахта толаси намунасини синашда), кейинчалик ДЛ-10;

- ГОСТ 24104 бўйича энг катта тортиш чегараси 500 g бўлган рухсат этиладиган хатолиги ± 20 mg дан кўп бўлмаган лаборатория тарози.

5.3 Юқорида қайд қилинганлардан фарқ қилувчи, бироқ метрологик тавсифлари бўйича улардан қолишмайдиган бошқа ўлчов ускуна ёки қурилмалари, шунингдек O'z DSt 619, O'z DSt 620, ва O'z DSt 629 бўйича ўлчов воситаларини ишлатиш мумкин.

6 Ўлчашни ўтказишга тайёрланиш тартиби

6.1 Пахтанинг тола бўйича тавсифномаларини аниқлаш учун ўртача кунлик ёки бирлаштирилган намуна O'z DSt 643 бўйича танлаб олинади.

6.2 Пахтанинг ўртача кунлик ёки бирлаштирилган намунаси столда яхшилаб аралаштирилади, текис қатламда тўғрибурчак кўринишида ёйилиб, тахминан тўртта бир хил қисмга бўлинади. Диагонал бўйича иккита қарама-қарши қисмлар олиб ташланади, қолган пахта эса яна текис қатламда тўғрибурчак кўринишида ёйилади, сўнгра юқорида кўрсатилгандек бўлинади. Бундай бўлиш пахтанинг ўртача намуна массаси етарли миқдорда қолгунча давом эттирилади:

- ЛПС-4 да ўлчаш учун - (200-300) g;

- АСХ-1 ва АЛС-1 да ўлчаш учун - камида 600 g.

6.3 Агар пахтани ўртача намунасининг намлиги 12 % дан ошмаса, уни ЛКМ ёки ЛКМ-2 қурилмасида ифлос аралашмалардан тозаланеди. Пахтанинг намлиги 12 % дан юқори бўлган ҳолда, ўртача намунани тозалашдан олдин СХЛ-3 лаборатория куриткичида ёки УСС-1 қурилмасида куритилади ва совитилади.

6.4 Ўлчашларни бажаришдан аввал ЛПС-4, АСХ-1 ва АЛС-1 қурилмаларнинг созланиши тўғрилигини ҳамда синашлар натижаларининг аниқлиги стандарт намуналарда текширилади.

6.5 ACX-1 ёки АЛС-1 да ўлчаш учун пахта намунасини танлаш

Тозаланган пахтанинг учта-тўртта жойидан 40-50 g дан олиниб, уларни бирга қўшиб, синаш учун намуна ҳосил қилинади.

Синаш учун намуналар сони – 2 та.

ACX-1 да ўлчаш учун синаш учун намуна массаси белгиланган тартибда тасдиқланган амалдаги меъёрий ҳужжат бўйича ғўзанинг селекция навига қараб белгиланади.

АЛС-1 да ўлчаш учун синаш учун намуна массаси $(160 \pm 0,1)$ g ни ташкил этиши керак.

6.6 ЛПС-4, ACX-1 ва АЛС-1 да ўлчаш учун пахта толасини тайёрлаш ва намуна танлаб олиш

6.6.1 Ифлос аралашмалардан тозаланган пахта ППВ жин-тола-тозалагич ёки ДЛ-10 лаборатория жинидан ўтказилади.

6.6.2 Пахта толасидан, унинг титилганлигини бузмасдан, ўлчаш учун намуналар олинади.

Синаш учун намуналар сони:

ЛПС-4 учун - 4;

ACX-1 ёки АЛС-1 учун - 2 та бўлиши керак.

Синаш учун намунанинг ҳар бири ҳар хил жойдан олинган алоҳида қисмчалар билан эмас, балки титилган толанинг бир жойидан бутун қисм этиб олинади. Намуна танлашда ва ўлчашда толани қўл билан зичлаштиришга йўл қўйилмайди.

ЛПС-4 ва ACX-1 ларда толанинг солиштирма узилиш кучини, пишиб етилганлик коэффициентини ва чизикли зичлигини аниқлашда синаш учун бир намунанинг массаси амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ғўзанинг селекция навига қараб белгиланади.

Микронейр кўрсаткичини аниқлашда бир синаш учун намуна массаси:

- ЛПС-4 учун - $(9 \pm 0,02)$ g;

- ACX-1 учун - $(65 \pm 0,1)$ g бўлиши керак.

АЛС-1 учун бир синаш учун намуна массаси пахта толасининг барча тавсифномаларини аниқлашда - $(80 \pm 0,1)$ g ни ташкил қилади.

6.7 ЛПС-4 ва АЛС-1 учун тайёрланган намуналардаги пахта толасининг намлиги 6 % дан 10 % гача бўлиши керак. Намлик кўрсатилган чегаралардан фарқ қилганда, унинг кўрсаткичларига

белгиланган тартибда тасдиқланган амалдаги меъёрий хужжатларнинг талабларига мос равишда тузатишлар киритилиши керак.

7 Ўлчашни ўтказиш тартиби

7.1 Пахта навини органолептик баҳолашда бирлаштирилган намуна, O'z DSt 615 ва O'z DSt 642 бўйича пахтанинг ташқи кўриниш белгиларини ифодаловчи мажмуи асосида ташқи кўриниш намуналарига солиштирилади.

Ташқи кўриниш намуналари ва бирлаштирилган намуна тўғридан-тўғри куёш нурунинг тушишидан сақланиши керак.

Ташқи кўринишни аниқлашда ёруғлик 300 lx дан кам бўлмаслиги керак.

7.2 ЛПС-4 да ўлчаш бажарилаётганда солиштирма узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффиценти ва чизикли зичликни аниқлашда синаш учун тайёрланган намуналар титилган ҳолатида кетма-кет қурилманинг ишчи камерасига жойлаштирилади ва камера қопқоғи зич қилиб беркитилади. Вентилятор ёқилади ва дросселнинг тутқичи ёрдамида қурилмага ўнг манометрнинг 100 mm H₂O (98 daPa) шкаласига мос кўрсаткичлари бўйича керакли микдорда ҳаво берилади.

Ўнг манометрнинг шкала кўрсаткичлари керакли қийматларга етганда, синаш учун берилган намунага мувофиқ қурилмадаги ҳавонинг сийраклашиш катталигини аниқлайдиган чап манометр шкала кўрсаткичи ёзиб олинади (mm H₂O). Шкала бўлимларининг ҳисоби ўнг ва чап манометрлар найчалардаги сув устунининг пастдаги менискаси бўйича қилинади.

Кейин қурилма ўчирилади, камеранинг қопқоғи очилади ва тола олинади. Шундай тартибда қолган синаш учун намуналар ўлчанади.

Микронейр кўрсаткичини ўлчаш O'z DSt 620 бўйича ўтказилади.

7.3 АСХ-1 да ўлчаш бажарилаётганда тайёрланган пахта ёки пахта толасининг синаш намунаси асбобнинг призмасига ўрнаштирилган ишчи камерага жойлаштирилади.

Бошқариш панели клавиатурасида синаш учун намунанинг тартиб рақами, селекция навининг коди (меъёрий хужжатда кўрсатилган) ва яхлит сонда синалаётган пахта (ёки пахта толаси) намлигининг массавий нисбати терилади. Терилган кўрсаткичлар асбоб таблосида ёритилиб кўрсатилади.

ПУСК кнопкасини босиш билан асбоб автоматик равишда ишга

туширилади ва 1 min дан сўнг натижа сонли таблода ёритилиб кўрсатилади, босим тушиши паскалда ҳисобланади.

СБРОС кнопкасини босиш билан таблодан ўлчаш натижалари ўчирилади ва синаш учун намуна камерадан олинади. Шундай тартибда кейинги синаш намунасида ўлчаш ўтказилади.

7.4 АЛС-1 да ўлчаш бажарилаётганда тайёрланган синаш учун намуна (пахта ёки пахта толаси) асбоб фиксаторига ўрнатиладиган ишчи камерага жойлаштирилади.

ПУСК кнопкасини босиш билан намунани плунжер ёрдамида зичлаш амалга оширилади. СИСТЕМА кнопкасини босиш билан асбоб акустик тебранишлар сўнишини ўлчаш режимида ёкиб қўйилади. Акустик тебранишлар сўнишининг таблодаги кўрсатиши ҳисоби олинади.

ПУСК кнопкасини босиш билан плунжер олдинги ҳолатига келтирилади, бунда ишчи камераси фиксатордан тортиб чиқарилади ва унинг ичидаги синаш учун намуна олинади. Шундай тартибда кейинги синаш учун намунани ўлчаш ўтказилади.

8 Ўлчаш натижаларига ишлов бериш

8.1 Синаш учун намуналарининг ўлчанган натижалари бўйича сув устуни миллиметрларда (декапаскалларда) ЛПС-4 кўрсаткичинининг ўртача арифметик қиймати ҳисоблаб чиқарилади, белгиланган тартибда тасдиқланган жадвал бўйича ғўзанинг селекция навига қараб толанинг солиштирма узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффициенти ва чизикли зичлиги белгиланади.

Микронейр кўрсаткичи O'z DSt 620 бўйича аниқланади.

8.2 Синаш учун намуналарнинг ўлчанган натижалари бўйича АСХ-1 да паскалларда босим фарқининг ўртача арифметик қийматлари ҳисоблаб чиқарилади, белгиланган тартибда тасдиқланган жадвал бўйича:

- ғўзанинг селекция навига қараб толанинг солиштирма узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффициенти ва чизикли зичлиги;
- микронейр кўрсаткичи тола намунаси бўйича аниқланади.

8.3 Синаш учун намуналарнинг ўлчанган натижалари бўйича АЛС-1 да товуш сўниш тўлқинлари шартли бирлигида ўртача арифметик қийматлари ҳисоблаб чиқарилади, белгиланган тартибда тасдиқланган жадвал бўйича:

- гўзанинг селекция навига қараб толанинг солиштирма узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффиценти ва чизикли зичлиги;
- микронейр кўрсаткичи тола намунаси бўйича аниқланади.

9 Рухсат этиладиган ўлчаш хатолиги

9.1 Ҳамма диапазонларда параллел аниқлашлар натижаларининг рухсат этилган тафовутлари қуйидаги қийматлардан ошмаслиги керак:

пахта бўйича:

- АСХ-1 учун - 5,0 %;

- АЛС-1 учун - 4,0 %;

пахта толаси бўйича:

- ЛПС-4, АСХ-1 ва АЛС-1 учун - 2,5 %.


9.2 Агар параллел аниқлашлар орасидаги тафовут рухсат этилган қийматдан ошса, ЛПС-4 да иккитадан, АСХ-1 ва АЛС-1 да биттадан қўшимча синаш учун намуналарни ўлчаш ўтказилади.

ЎЗЎСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

УЎТ 633.51:658.562.64:006.354 С 29 туркуми СУТ 59.060.10
Муҳим сўзлар: стандарт, пахта, усуллар, чизикли зичлик, пишиб
етилганлик коэффиценти, солиштирама узилиш кучи, микронеёр
кўрсаткичи

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ
Бошқарув раиси, т.ф.н.



Р.Ф. Юнусов

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ
Бошқарув раисининг илмий ишлар
бўйича муовини т.ф.н., к.и.х.



К.С. Сабилов

"Пахта" техник қўмитаси
раиси, т.ф.н., к.и.х.



В.Г. Ракипов

"PAHTATOZALASH IChB" OAJ
СБТ бошлиғи, т.ф.н., к.и.х.



А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим



Г.Ё. Рахимбергенова

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Ўзбекистон "Сифат" маркази бош
директори, т.ф.н., к.и.х.



В.Е. Устюгин

"Сифат" маркази бош директорининг биринчи
муовини, т.ф.д., проф.



Э.Т. Максудов

"Метрология, ИТИ ва СН" бошқармаси
бошлиғи, т.ф.н.



Р.А. Гуляев

"Стандартиштириш ва МХ" бўлими бошлиғи



Н.Б. Наумова

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHBARMASI